

**КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА  
СТАТИСТИК ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 29/30.12.2019.I.92.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖАЛОЛОВ ИЛҲОМЖОН ИСОМИДДИНОВИЧ**

**КОРХОНА ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИНГ СТАТИСТИК  
ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.06 – Эконометрика ва статистика**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)  
in Economic Sciences**

**Жалолов Илхомжон Исомиддинович**

Корхона иқтисодий салоҳиятининг статистик таҳлил қилиш усулларини  
такомиллаштириш..... 3

**Жалолов Илхомжон Исомиддинович**

Совершенствование методов статистического анализа экономического  
потенциала предприятия..... 27

**Jalolov Ilhomjon Isomiddinovich**

Improvement of methods of statistical analysis of economic potential of the  
enterprise..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 55

**КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА  
СТАТИСТИК ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 29/30.12.2019.I.92.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖАЛОЛОВ ИЛҲОМЖОН ИСОМИДДИНОВИЧ**

**КОРХОНА ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИНГ СТАТИСТИК  
ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.06 – Эконометрика ва статистика**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Iqt570 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.instat.uz](http://www.instat.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Ғойибназаров Баходир Каримович,  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Абдуллаев Ёркин Абдуллаевич  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
Хотамов Очилди Қурбонович  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Тошкент давлат транспорт университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Dsc 29/30.12.2019.192.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «28» *август* куни соат *10<sup>00</sup>* даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 42-уй. Тел.: (99871) 202-81-86; факс: (99871) 202-81-86; e-mail: [info@instat.uz](mailto:info@instat.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти Ахборот-ресурс марказида (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган) танишиш мумкин. Манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 42-уй. Тел.: (99871) 202-81-86.

Диссертация автореферати 2021 йил «15» *август* да тарқатилди  
(2021 йил «15» *август* даги *18* рақамли реестр баённомаси).



**С.С.Ғуломов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., академик

**К.Х.Жумаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

**Ё.А.Абдуллаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви ва интеграциялашуви шароитида тобора кучайиб бораётган рақобат курашига бардош бериш, унинг талабларини бажариш, илғор технологиялар ва инновациялардан унумли фойдаланиш хўжалик юритувчи субъектларда замонавий статистика усулларидан мақсадли фойдаланишни тақозо этмоқда. Бу борадаги талабларнинг бажарилиши, тенденция ва жараёнларнинг таъминланиши реал сектор корхоналарини, хусусан, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳалари иқтисодиётини комплекс ривожлантириш, уларга инновацион ишланмаларни кенг жорий этиш ҳисобига маҳсулотлар экспорти доирасини кенгайтириш ва кўламини ошириш ҳамда барқарор иқтисодий ривожланиш суръатларига эришишни статистик баҳолаш имконини яратади. «Ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)да саноат улушининг 40,0 фоизи, хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасининг эса 50,0 фоиздан ортиғи»<sup>1</sup> тўғри келаётган бугунги шароит ҳам шуни талаб этади.

Жаҳон миқёсида корхоналар фаолиятини бошқаришда замонавий статистик услублардан мақсадли фойдаланиш, иқтисодий салоҳиятини интеграл кўрсаткичлар асосида комплекс статистик баҳолаш ва прогнозлаш ҳамда иқтисодий салоҳиятини оширишга доир кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, замонавий статистик ҳисоб тизимини такомиллаштириш ҳисобига корхоналарни инновацион ривожланишини таъминлаш, корхоналарнинг инновацион салоҳиятини замонавий статистик баҳолаш методологиясини такомиллаштириш, инновацион-иқтисодий салоҳиятни тизимли статистик таҳлил усулларини қўллаш масалаларига эътибор кучайтирилмоқда. Жаҳонда корхоналар иқтисодий салоҳияти ва инновацион фаолиятининг ривожланиши ҳамда етакчи давлатлар корхоналари иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар ва муносабатларни янада такомиллаштиришни статистик жиҳатдан баҳолаш ҳозирги даврдаги асосий илмий тенденциялардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда турли мулкчиликка асосланган корхоналар фаолиятида иқтисодий салоҳият мажмуасидан самарали фойдаланишни таъминлаш, иқтисодий самарадорлигини статистик баҳолаш, молия ҳамда инвестицион салоҳиятини статистик усулларда таҳлил қилиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, корхоналар рақобатбардошлигини ошириш ҳамда экспорт салоҳиятини юксалтириш<sup>2</sup>» каби устувор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларнинг самарали ижроси корхоналар иқтисодий

<sup>1</sup> <http://mirznanii.com/a/257730/rol-promyshlennosti-v-mirovom-khozyaystve;www.wb.org;https://stud-files.net/preview/4404434/page:30/>.

<sup>2</sup> 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. ЎзР Қонунчилик ҳужжатлари тўплами. 2017 йил. 6-сон, 70-модда.

салоҳиятини баҳолашда замонавий статистик услублардан фойдаланишни такомиллаштириш, иқтисодий салоҳият самарадорлигини оширишни статистик тадқиқ этиш ва прогностлашни тақозо этади. Бу эса мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4077-сон «Ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, саноат тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 1 майдаги ПҚ-4302-сон «Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Корхоналар иқтисодий салоҳиятини статистик таҳлил қилишнинг айрим муаммолари қатор етакчи хорижий иқтисодчи-олимларнинг адабиётлари ва илмий ишларида ўрганиб чиқилган, жумладан Ch. Cobb, P. Douglas, V. Leontiev, R. Solow, G. Renshaw, R.D. Varro, R.L. Thomas, M. Mukhlis, M. Oytun, A. Muharrem, M. Hirooka<sup>3</sup>, Гусельников Д.В., Шешукова Т.Г., Берислав Жмук, Жигунова О.А., Сувернева Е.Б, Борзенкова К.С, Орлова А.В, Манухина А.В, Шадин А.А, Сивелькин В.А ва бошқалар. Шунингдек, маҳаллий иқтисодчи олимлардан Ё.Абдуллаев, А.М.Абдуллаев, Б.Ю.Ходиев, Н.М. Соатов, Х.А.Шодиев, Т.Ш.Шодиев, Б.К.Ғойибназаров, С.С.Ғуломов, Б.А. Бегалов, С.В.Чепель, Х.Набиев, М.Қ. Пардаев, Б.А.Ҳасанов, Ж.И.Исроилов, А.Н.Холиқулов, З.Р.Акбарова, А.Х. Аюбжонов, Р.С. Муратов., И.А.Джалолова, С.Ш.Орипов ва бошқаларнинг

---

<sup>3</sup>Renshaw G. Maths for Economics (англ.) - New York: Oxford University Press, 2005. - 516-526 p.; Барро Р. Д., Сала-и-Мартин Х. Экономический рост / Пер. с англ. - М.: Бином. Лаборатория знаний, 2010. - 824 с.; Thomas R.L. Modern econometrics. - England.: Manchester Metropolitan University, 1998. - 211 p.; M.Mukhlis. et al.: Agglomeration of Manufacturing Industrial, Economic Growth, and Interregional Inequality in South Sumatra, Indonesia // International Journal of Economics and Financial Issues. 2017. №7(4), 214-224 p.; Oytun M., Muharrem A. The Effects of Structural Transformations in Economy on Labor Markets: the Case of OECD Countries // International Journal of Business and Social Science. Vol. 5, No. 9(1) -August 2014.; Hirooka M. Innovation Dynamism and Economic Growth. A Nonlinear Perspective. - Cheltenham, UK - Northampton. MA, USA «EdwardElgar», 2006. – 75 p.

илмий ишларида корхона иқтисодий салоҳиятини баҳолаш ва таҳлил қилиш масалалари ҳар томонлама тадқиқ этилган<sup>4</sup>.

Аммо, республикамизда турли мулкчилик шаклига асосланган корхоналар иқтисодий салоҳиятини статистик таҳлил қилиш методологиясини ва концептуал асосларини такомиллаштириш масаласини мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлиги танланган тадқиқот мавзусининг далзарблигини белгилайди ва мустақил тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, «ФМ-3. Бозор рақобати шароитида реал сектор тармоқлари ҳамда корхоналар ривожланишининг илмий-методологик асосини такомиллаштириш» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бўлиб, корхона иқтисодий салоҳиятининг статистик таҳлил қилиш усулларини такомиллаштириш ва истиқболларини прогнозлаш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

турли мулкчилик шаклидаги корхоналарда иқтисодий салоҳиятни статистик баҳолашнинг назарий асосларини ёритиш;

корхоналар фаолияти иқтисодий салоҳиятини ва унинг самарадорлигини статистик баҳолаш услубларини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

корхоналар иқтисодий салоҳиятини таҳлил этишда замонавий статистик услублардан фойдаланиш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

---

<sup>4</sup>Гусельников Д.В./ Повышение экономического потенциала строительного предприятия/ /08.00.05— Экономика и управление народным хозяйством (экономика, организация и управление предприятиями, отраслями, комплексами – строительство)/ Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук/ Тюмень – 2015. -27 с, Шешукова Т.Г. Совершенствование методики анализа экономического потенциала хозяйствующего субъекта:Монография./Т.Г.Шешукова,Е.В.Колесень. Перм. Гос..нац.исслед.ун-т. – Пермь,2013.-196 с., Berislav Žmuk / monograph/2018/ Measuring Efficiency of Statistical Methods Use in Enterprises: Development of a System of Indicators ,Соатов Н.М. Статистика / Дарслик. – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003- 573 б; Шодиев Т.Ш. Эконометрика / Ўқув кўл. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти, ТДИУ, 2005.- 126 б; Абдуллаев Ё. Макроиқтисодий статистика 100 саволга 100 жавоб – Т.: “Меҳнат”,1998. – 382б; Ғойибназаров Б.К., Колонова Л. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти. –Т.: 2007.- 106 б; Шодиев Ҳ., Ҳамроев М. Молия статистикаси / Дарслик – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2002. – 236 б; Макроиқтисодий статистика. Ғуломов С.С. тахрири остида. Т.: Дитаф. 2002. – 275 б; Ғуломов С.С., Бегалов Б.А. Иқтисодий информатика. – Т.: ТДИУ, 2010. – 587 б.; Шодиев Т., Агзамов С. Интернет тизими имкониятлари ва муаммолари. – Т.: Фан ва технология, 2006. – 253 б.; Абдуллаев А., Ходиев Б., Ишназаров А. Эконометрика. – Т.: ТГЭУ, 2007. – 612 с.; Чепель С.В. Роль институционального фактора в обеспечении условий перехода к инновационной модели экономического развития. // Стратегии модернизации и обеспечения долгосрочного устойчивого экономического роста. – Т.: SMI – ASIA, 2011. – С. 5-9; Набиев Х,Набиев Д.Х.. Иқтисодий статистика. Дарслик, Тошкент-2008.-106б; Муратов Р.С., Джалолова И.А, Орипов С.Ш. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. Тошкент -2014.-250 б; Пардаев М.Қ., Ҳасанов Б.А., Исроилов Ж.И., Холиқулов А.Н.Иқтисодий таҳлил. Дарслик.-Тошкент- 2011. -136 б.

корхоналар фаолияти иқтисодий салоҳиятини интеграл баҳолашни статистик кўрсаткичлари тизимини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

корхоналарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир қилувчи омилларни эконометрик усулларни қўллаш орқали статистик баҳолаш;

тизимли комплекс статистик таҳлил асосида корхона инновацион-иқтисодий салоҳиятини баҳолаш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб бораётган саноат корхоналари иқтисодий салоҳиятини статистик таҳлил қилиш билан боғлиқ фаолияти ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб бораётган саноат корхоналари иқтисодий салоҳиятини статистик таҳлил қилиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар йиғиндиси ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, анализ ва синтез, қиёсий ва динамик таҳлил, монографик таҳлил, статистик гуруҳлаш, иқтисодий индекслар, динамика қаторлари, вариация кўрсаткичлари, статистик жадвал ва графиклар, анкета, эксперт баҳолаш, эконометрик таҳлил ва прогнозлаш усуллари кенг қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

турли мулкчилик шаклига асосланган корхоналар иқтисодий салоҳиятини баҳолашнинг статистик кўрсаткичлар тизими «моддий ресурслар», «номоддий активлар», «меҳнат ресурслари» ҳамда «тадбиркорлик қобилияти»ни яхлит бир тизимда баҳолаш асосида ишлаб чиқилган;

корхоналарда «технологик салоҳиятдан фойдаланиш индекслари» (технологик омиллар самарадорлиги, қувватлардан фойдаланиш, қувватлар билан таъминланиш даражаси) ва «меҳнат унумдорлиги индекслари» (якка тартибдаги, агрегат, ўртача гармоник, тортилган)дан фойдаланиб, иқтисодий салоҳиятларни статистик баҳолашнинг услубий жиҳатлари такомиллаштирилган;

«маълумотлар базасини шакллантириш», «кўрсаткичларни қиёсий танлаш» ҳамда «иқтисодий салоҳият даражасини таҳлил қилиш» ҳисобига тузилмавий таҳлил усулида саноат корхоналарининг инновацион фаолиятини статистик баҳолаш тизими таклиф этилган;

корхоналар иқтисодий ривожланишини истиқболдаги ўрта муддатли (2021-2025йй) статистик прогнозлари «интуитив» ва «формаллаштириш» усулларини қўллаш ҳисобига ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ташқи ва ички омилларни қўллаш, рақобатбардошлик, инвестиция оқими ҳамда инновацион самарадорлик даражаларини ҳисобга олган ҳолда корхоналар иқтисодий салоҳиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий кўрсаткичлари тизими ишлаб чиқилган;

корхоналар иқтисодий салоҳиятини самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган босқичли ёндашув таклиф этилган;



замонавий статистик услубларини қўллаш ҳисобига корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятини самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

корхоналарда иқтисодий салоҳиятини ҳамда фаолият самарадорлигини интеграл баҳолаш услуби мақсадли дастурларни қўллаш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган услубий ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги иқтисодиёт тармоқлари таркибидаги корхоналар статистик маълумотларидан кенг фойдаланилганлиги, илмий тадқиқотларнинг замонавий усуллари ҳамда назарий ишланмалар амалий вазифаларни ҳал этишда қўлланилиши ҳамда хулоса, таклиф ва тавсиялар амалда синовдан ўтгани, шунингдек, олинган натижалардан амалиётда фойдаланилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, улар асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан корхоналарда иқтисодий салоҳиятни статистик услубларини қўллаш самарадорлигини оширишда, бошқарув қарорлари қабул қилиш механизмини такомиллаштиришга доир махсус статистик тадқиқотлар натижаларини жорий қилишда ҳамда жалб этиладиган инвестициялар самарасини баҳолашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улар корхоналар фаолиятини иқтисодий салоҳиятини статистик усулларда таҳлил қилиш, самарадорлигини баҳолашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш ҳамда корхоналар фаолиятини прогнозлашда қўлланилиши билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларидан, шунингдек, «Статистика асослари», «Иқтисодий-статистик таҳлил» ҳамда «Корхона иқтисодиёти» фанлари бўйича кейс-стади, маърузалар матни, ўқув қўлланмалар тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Корхоналар иқтисодий салоҳиятини замонавий статистик услубларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«моддий ресурслар», «номоддий активлар», «меҳнат ресурслари» ҳамда «тадбиркорлик қобилияти»ни яхлит бир тизимда баҳолаш асосида турли мулкчилик шаклига асосланган корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятини баҳолашнинг статистик кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси саноатини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 30 сентябрдаги №06/13-01-10/12 –сонли маълумотномаси). Бу эса корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уларни комплекс статистик таҳлил қилиш имкониятларини оширган;

корхоналарда «технологик салоҳиятдан фойдаланиш индекслари» (технологик омиллар самарадорлиги, қувватлардан фойдаланиш, қувватлар билан таъминланиш даражаси) ва «меҳнат унумдорлиги индекслари» (якка

тартибдаги, агрегат, ўртача гармоник, тортилган)дан фойдаланиб, иқтисодий салоҳиятларни статистик баҳолашнинг услубий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси амалий фаолиятига жорий этилган (Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 20 мартдаги №01/1-04-18/2-66–сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши қўмитанинг саноат статистикаси бошқармаси томонидан индекслар асосида статистик баҳолаш имкониятларини оширган;

«маълумотлар базасини шакллантириш», «кўрсаткичларни қиёсий танлаш» ҳамда «иқтисодий салоҳият даражасини таҳлил қилиш» ҳисобига саноат корхоналарининг инновацион фаолиятини тузилмавий таҳлил усулида статистик баҳолаш тизими бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси амалий фаолиятига жорий этилган (Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 20 мартдаги №01/1-04-18/2-66 –сонли маълумотномаси). Бу эса саноат тармоғининг инновацион салоҳиятини комплекс статистик баҳолаш имкониятини оширишга хизмат қилган;

корхоналар иқтисодий ривожланишини истиқболдаги ўрта муддатли (2021-2025йй) статистик прогнозлари «интуитив» ва «формаллаштириш» усулларини қўллаш ҳисобига такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар Ўзбекистон Республикаси саноатини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 30 сентябрдаги №06/13-01-10/12–сонли маълумотномаси). Бу эса истиқболда корхоналар салоҳияти ва самарадорлигини ошириш йўналишларини статистик баҳолаш ҳамда корхонани ривожлантириш учун мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш орқали яна бошқа имкониятларни яратиш ва корхонанинг самарали истиқболини белгилаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 14 та республика ва халқаро илмий-амалий анжуманлардаги маърузаларда баён қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация натижалари бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, уларни амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Корхонанинг иқтисодий салоҳиятини тизимли статистик таҳлил қилишнинг назарий асослари**», деб номланган биринчи бобида корхоналарнинг иқтисодий салоҳият тушунчаси, мазмуни ёритилиб, уни белгиловчи асосий омиллар, тамойиллар, меъёрий-ҳуқуқий асослар ўрганилган ҳамда халқаро тажрибалар ёритилган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси<sup>5</sup>да ҳам турли мулкчиликка асосланган корхоналарни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш, модернизациялаш ва диверсификациялаш ҳамда уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш асосий вазифалар қилиб белгиланди. Мазкур вазифаларнинг амалга оширилиши кўп жиҳатдан корхоналарни молиявий жиҳатдан қўллаб қувватлаш, кўпроқ инвестициялар ва янги техника- технологияларни киритиш, маркетинг тизимини яхшилаш ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини ўсиши ҳар томонлама корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятининг ўсиши билан боғлиқ. Шунинг учун нафақат корхона эгаси учун балки мамлакат учун ҳам корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш манфаатли саналади. Шунингдек, рақамли иқтисодиёт шароитида корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятини аниқлаш ва уларга баҳо бериш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Илмий таҳлилларимизга асосланиб, корхона иқтисодий салоҳиятига қуйидагича таъриф ишлаб чиқилган: Яъни «Корхона иқтисодий салоҳияти - бу турли мулкчилик шаклига асосланган корхоналарнинг иқтисодий салоҳияти, уларнинг моддий ресурслар, номоддий активлар, меҳнат ресурслари ҳамда тадбиркорлик қобилиятини яхлит бир тизимда мужассамлашган ҳолда ифодалади».

Бизнинг фикримизча, корхона иқтисодий салоҳиятига баҳо беришда тадбиркорлик қобилияти омили сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Чунки ишлаб чиқарувчи барча ресурсларга эга бўлиши мумкин, аммо бу ресурсларни ишлатишни билмаса, ундан самарали фойдалана олмаса ёки аниқ дастурга эга бўлмаса ҳеч қандай иқтисодий салоҳиятга эга бўла олмайди. Шу сабабли корхона иқтисодий салоҳиятини фақат учта омил яъни, моддий ресурслар,

---

<sup>5</sup>2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. ЎзР Қонунчилик ҳужжатлари тўплами. 2017 йил. 6-сон, 70-модда.

номоддий активлар ва меҳнат ресурслари белгилай олмайди, шунинг учун тўртинчи омил тадбиркорлик қобилиятидан фойдаланган ҳолда корхона иқтисодий салоҳиятини белгилай олади деган хулосага келдик.

Таҳлилларимизга кўра, корхона салоҳиятини белгилашда тадбиркорлик қобилияти қай даражада юқорилигини аниқлаш учун корхонанинг бир неча йиллик фойдасини статистик таҳлил қилиш керак бўлади. Йиллар давомида фойдани таҳлил қилганда, молиявий натижалар орқали, яъни фойданинг турларини таҳлил қилиш орқали корхонанинг иқтисодий салоҳиятига ва тадбиркорлик қобилиятига баҳо беришимиз мумкин.

Инвестицияларга баҳо беришда турли объектларга йўналтирилган инвестициянинг ҳар биридан қайтган фойда (инвестиция қайтими)ни тўғри аниқлаб олиш керак. Инвестициядан қайтган фойданинг фойдалилик даражасини аниқлаб, корхонанинг инвестиция салоҳиятига тўғри баҳо берилади. Корхонани бошқарувчи ходимлар тадбиркорлик рискларини тўғри баҳолай олишлари зарур.

Корхонанинг асосий воситалари ва айланма маблағлари моддий ресурс манбасини ташкил қилади. Корхонанинг иқтисодий салоҳиятини белгилашда корхона балансидаги жами асосий воситаларнинг фақатгина қиймати билан эмас, балки корхонада асосий воситаларнинг қанча қисми ишлатилиши ва замонавий янги техника-технологиялар билан таъминланганлиги билан баҳоланади. Чунки корхона самарадорлигини аниқлашда маҳсулотларни ишлаб чиқаришда янги техника-технологиялар бошқа техника-технологияларга нисбатан самарали ҳисобланади. Шунинг ҳам инobatга олиш керакки, корхонанинг жами асосий воситаларини ишлатилаётган ва ишлатилмаётган асосий воситаларига бўлиш мумкин. Чунки корхона самарадорлигини аниқлашда ишлатилмаётган асосий воситалар инobatга олинмаслиги керак. Шунинг учун ишлатилмаётган асосий воситалардан фойдаланилишини таъминлаш ёки мумкин қадар сотиб юбориш керак.

Одатда корхонанинг иқтисодий салоҳияти ундаги мавжуд ресурслардан қай даражада самарали фойдаланилаётганлиги билан баҳоланади. Корхоналарда асосий воситалардан фойдаланиш фонд қайтими, фонд сиғими, меҳнатни фонд билан таъминланиш даражаси орқали баҳоланади ва унинг динамикаси иқтисодий индекслар усулида статистик таҳлил этилади. Қанчалик мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш корхона самарадорлигига шунчалик кучли ижобий таъсир этиши мумкин.

Корхона иқтисодий салоҳиятига баҳо берувчи омиллардан яна бири - бу корхонанинг айланма маблағларидир. Албатта айланма маблағларнинг қийматига баҳо беришда хом-ашё ва материалларнинг сифатлилиги ва зарурийлиги ҳамда бошқа маблағларнинг ликвидлиги ҳисобга олинади. Шунинг ҳам эътиборга олиш керакки, фақатгина айланма маблағларнинг миқдори билан эмас, балки уларнинг ишлаб чиқариш жараёнида айланиш тезлигини таъминлаш орқали ҳам иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин.

Корхонанинг иқтисодий салоҳиятини белгилашда номоддий активлар муҳим ўрин эгаллайди. Патент, лицензия, товар белгилари, франчайз корхона фаолиятини юргизишга рухсат берувчи омиллардир. Чунки айрим корхоналар барча ресурсларга эга бўлса-да, кимнингдир яратган тизимидан фойдаланиш орқали яъни унинг патенти ёки товар белгисини сотиб олиш орқали корхонанинг ишлашини таъминлай олади. Шунинг учун корхонада қанчалик номоддий активларнинг кўплиги ва уларнинг самарали ишлашини таъминлаш орқали корхона ўзининг иқтисодий салоҳиятига эриша олади.

Иқтисодий жараёнларнинг содир бўлишида моддий бойликлар билан биргаликда меҳнат ресурсларининг ҳам иштирокини таъминлаш лозим. Корхона иқтисодий аҳволига тўлиқ ва батафсил баҳо бериш учун унинг активлари билан биргаликда меҳнат ресурслари ва тадбиркорлик қобилиятини ҳам қўшган ҳолда таҳлил қилишни тақозо қилади.

Корхонанинг меҳнат ресурслари салоҳиятига 1-расмда кўрсатилган кўрсаткичлар орқали баҳо бериш мумкин.



### 1-расм. Корхона меҳнат ресурслари салоҳиятини статистик баҳолаш<sup>6</sup>

Корхонанинг иқтисодий барқарорлиги ҳар доим ходимларнинг янги технологияларни, дастурий таъминотлар билан ишлай олиши, янги ғояларга эга бўлиши, бошқарув тизимини мақсадли ташкил этилиши ҳамда ходимлар малакаси билан боғлиқдир. Албатта бу меҳнат ресурсларининг салоҳиятига баҳо беришда ходимлар малакасини ошириш учун сарфланган маблағлар инобатга олинishi лозим. Шунга қараб, корхона ходимларининг малакаси қанчалик оширилган ёки оширилмаганлигини аниқлаш мумкин. Буни инсон капиталига қилинган инвестиция десак хато бўлмайди. Бу инвестиция албатта келажакда фойда олиш мақсадида қилинади. Бугунги рақобат шароитида корхоналар ташқи бозорларга кириб бориш мақсадида дунё бозорларини ўрганишга ҳаракат қилишади ва уларнинг тажрибасини ўрганиш учун ўз ходимларини хорижда малака ошириши учун юборишади ёки хориж тажрибасига эга бўлган хорижий мутахассисларни ишга қабул қилишади. Бу ҳам корхонанинг истиқболларини белгилашда катта аҳамиятга эга.

<sup>6</sup>Муаллиф ишланмаси

1-жадвал

Корхона иқтисодий салоҳиятини статистик кўрсаткичлар тизими<sup>7</sup>

Моддий ресурсларни статистик баҳолаш	Асосий воситаларни статистик баҳолаш	Янги техника - технологиялар улуши статистикаси	Бошқа асосий воситаларни статистик баҳолаш	Фойдаланиш мумкин бўлган асосий воситалар улуши статистикаси	Тўлиқ ишлатилмайдиган асосий воситалар улуши статистикаси
		Ишлатилаётган асосий воситалар улуши статистикаси		Ишлатилмаётган асосий воситалар улуши статистикаси	
	Айланма маблағларни статистик баҳолаш	Ишлаб чиқаришга зарур материалларни статистик баҳолаш	Пул маблағларини статистик баҳолаш	Кам ишлатиладиган бошқа айланма маблағларнинг статистик таҳлили	
Номоддий активларни статистик баҳолаш	Номоддий активларни статистик баҳолаш	Лицензияга сарфланган маблағларни статистик баҳолаш	Патентга сарфланган маблағларни статистик баҳолаш	Товар белгиларига сарфланган маблағларни статистик баҳолаш	Дастурий таъминотларга сарфланган маблағларни статистик баҳолаш
Меҳнат ресурсларини статистик баҳолаш	Жами ходимлар сонини статистик баҳолаш	Ўз мамлакатида малака оширган ходимлар сонини статистик баҳолаш	Хорижда малака оширган ходимлар сонини статистик баҳолаш	Хориж тажрибасига эга хорижий ходимлар сонини статистик баҳолаш	Ёш мутахассислар сонини статистик баҳолаш
	Ходимлар малакасини оширишга сарфланган маблағларни статистик баҳолаш	Ўз мамлакатида малака оширишга сарфланган маблағларни статистик баҳолаш		Хорижда малака оширишга сарфланган маблағларни статистик баҳолаш	
Тадбиркорлик қобилиятини статистик баҳолаш	Фойданинг статистик таҳлили	Рентабеллик кўрсаткичлари		Динамика қаторлари	
	Инновацион ғояларга сарфланган маблағларни статистик баҳолаш	Ўзида ишлаб чиқарилган инновацион ғояларга сарфланган маблағларни статистик баҳолаш		Сотиб олинган инновацион ғояларга сарфланган маблағларни статистик баҳолаш	
	Бошқарув тузилмаси	Содда		Мураккаб	

Рақобат шароитида корхоналар ўзларининг иқтисодий салоҳиятларига баҳо беришлари истиқболда иқтисодий барқарорликни сақлаб туришнинг бир

<sup>7</sup>Муаллиф ишланмаси

калитидир. Ҳар бир корхона ўзининг иқтисодий салоҳиятини аниқлаб, бозор иқтисодиётига хос бўлган талаб ва таклиф ҳамда рақобат натижасида юзага келган ўзгаришларга мослашиб бориши зарур. Бунинг учун корхона жорий даврда ва келгуси даврларда ўзининг имкониятини баҳолай олиши керак.

Биз юқорида таклиф берган тўрт омил: моддий ресурслар, номоддий активлар, меҳнат ресурслари ва тадбиркорлик қобилияти кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали корхона иқтисодий салоҳиятини аниқлаш мумкин. Тўртта омил кўрсаткичларини аниқлаб, натижаларини иқтисодий таҳлил ўтказиш асосида корхона иқтисодий салоҳиятига баҳо берилади. Бу баҳо корхонанинг кейинги фаолиятида жорий режаларни ва узоқ муддатли стратегияларни ишлаб чиқишга асос бўлади. Корхона ўзида мавжуд барча салоҳиятдан фойдаланган ҳолда максимал фойда олишга эришиши мумкин. Шуларни инобатга олиб, корхона иқтисодий салоҳиятига юқорида келтирилган статистик кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали тўлиқлигича баҳо бериш мумкин (1-жадвал).

Ҳар бир корхона нафақат максимал фойдага эришишга, балки бозорда ўзининг юқори мавқеига эга бўлишига интилади. 1- жадвалда келтирилган маълумотларни статистик баҳолаш орқали корхона ўзининг нафақат фойдасини, балки бозордаги мавқеини ҳам аниқлай олади. Шу билан бирга ушбу маълумотлар корхона қандай имкониятлари борлиги ва куч қудратга эга эканлигини аниқлашда ёрдам беради. Чунки корхонада ишлатилмай келинаётган захира имкониятлари мавжуд бўлиши мумкин. Бу эса келажакда корхонани ривожлантириш учун мақсадли дастурларни ишлаб чиқишда замин яратиш беради.

Диссертациянинг «**Корхона иқтисодий салоҳиятини баҳолашнинг комплекс статистик таҳлили**», деб номланган иккинчи бобида корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар, уларнинг иқтисодий–статистик таҳлили, молиявий салоҳиятини баҳолаш баён этилган.

Республикада рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони 2021 йил 1 январь ҳолатига 503,5 мингтани ташкил этиб, улардан 475,2 мингтаси (94,3 фоизи) фаолият кўрсатмоқда<sup>8</sup>. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда 77,1 мингтага ёки 19,4 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин. 2020 йил давомида республикада 95,3 мингдан ортиқ корхоналар ва ташкилотлар янги ташкил этилди, бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 мингтага камдир.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми яъни 27,8 фоизи савдо, 17,6 фоизи саноат, 8,9 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 8,6 фоизи қурилиш, 6,5 фоизи яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 3,6 фоизи ташиш ва сақлаш, 2,0 фоизи ахборот ва алоқа соҳасида, 1,9 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда ва 23,1 фоизи бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келган.

---

<sup>8</sup>Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий –иқтисодий ҳолати. Статистик тўплам. –Тошкент, Давлат статистика қўмитаси, 2021 йил. -256 бет.

Худудлар кесимида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг сони энг кўпи Тошкент шаҳри (95951та), Тошкент (46173та), Фарғона (42241та), Андижон (36726та) ва Самарқанд (38946та) вилоятларига тўғри келади. Аксинча Сирдарё (15425та), Навоий (20133та) ва Жиззах (20993та) вилоятларида корхоналар сони камлигини кузатиш мумкин.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарининг молиявий ҳолати барқарорлиги унинг иқтисодий фаоллиги билан белгиланади. Корхоналарнинг асосий кўрсаткичлари динамикасига баҳо бериб, ўзгариш суръатларини таққослаш зарур. Уларнинг ўзаро алоқадорлигидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги муносабат оптимал ҳисобланади:

$$T^{PB} > T^{QP} > T^B > 100\% \quad (1)$$

бу ерда:  $T^{PB}$ ,  $T^{QP}$ ,  $T^B$  – мос равишда фойданинг ўзгариш суръати, маҳсулот сотиш ҳажмининг ўзгариш суръати, активлар (капитал) суммасининг ўзгариш суръати.

Ушбу муносабатга кўра:

**биринчидан**, фойда сотилган маҳсулот ҳажмига қараганда юқори суръатлар билан ўсаяпти. Бу, ишлаб чиқариш ва муомала харажатлари камаяётганлигини билдиради;

**иккинчидан**, сотилган маҳсулот ҳажми корхона активларига (капиталига) қараганда юқори суръатлар билан ўсаяпти, яъни корхона ресурслари самаралироқ сарфланаяпти;

**учинчидан**, корхонанинг иқтисодий салоҳияти ўтган даврдагига нисбатан ўсаяпти.

Корхонанинг ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш учун турли хил кўрсаткичлар қўлланилади. Бу кўрсаткичлар барча ресурслардан (ресурслар қайтими) ва уларнинг турларидан: асосий, номоддий ва айланма активлардан фойдаланиш интенсивлиги билан характерланади.

Ресурслар қайтими маҳсулот (ёки хизмат) сотишдан тушган, корхона фаолияти учун сарфланган ресурсларнинг ҳар бир сўмига тўғри келадиган тушум ҳажмини кўрсатади. Жаҳон амалиётида бу кўрсаткич қўйилган капиталнинг айланиш коэффициенти номини олган. Унинг формуласи қуйидагича:

$$f = Q^p / F \quad (2)$$

бу ерда:  $f$  – ресурслар қайтими;  $Q^p$  – сотилган маҳсулот ҳажми;

$F$  – барча ресурсларнинг ўртача йиллик қиймати

Ушбу кўрсаткич динамикасини таҳлил қилишда унинг ўзгариш тенденцияси аниқланади. Агар ресурслар қайтимининг ўсиш тенденцияси кузатилса, бу иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлиги ошаётганлигини билдиради.

Фондлар қайтими кўрсаткичи меҳнатнинг фонд билан таъминланганлигига ҳамда меҳнат унумдорлигига узвий боғлиқ. Бу



кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни қуйидаги формулалар орқали ифодалаш мумкин:

$$W_R = Q^P / R \quad (3)$$

$$\Phi = F / R \quad (4)$$

$$f = Q^P / F = (Q^P / R) : (F / R) = W_R : \Phi \quad (5)$$

бу ерда:  $W_R$  – бир ишловчига тўғри келадиган ўртача ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, сўмда;  $Q^P$  – сотилган маҳсулот ҳажми, сўмда;  $R$  – ишловчиларнинг ўртача сони;  $\Phi$  – меҳнатнинг фонд билан таъминланганлиги, сўмда;  $F$  – асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати;  $f$  – фондлар қайтими.

Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати, меҳнатнинг таъминланганлик даражаси асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳажмига боғлиқ. Асосий фондлар ва меҳнатнинг таъминланганлик даражаси ошиши меҳнатга ижодий характер бағишлайди ва жамоанинг маданий-техник даражасини оширади.

Диссертация ишида Тошкент шаҳридаги 50 та саноат корхонасининг молиявий, меҳнат ва моддий салоҳиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар таҳлил қилинди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Тошкент шаҳридаги 50 та саноат корхонасининг молиявий, меҳнат ва моддий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили

№	Кўрсаткич	2019 йил	2020 йил	Мутлоқ ўзгариши,+,-	Нисбий ўзгариши, %
1	Маҳсулотлар ҳажми, млн.сўм	2924322	3213541	289219	109,9
2	Иш билан банд бўлганларнинг ўртача йиллик сони, киши	3367	3660	293	108,7
3	Меҳнат унумдорлиги, млн.сўм	868,5	878,1	9,6	101,1
4	Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати, млн.сўм	717892	747805	29913	104,2
5	Фонд қайтими (самараси), сўм	4	4	—	100,0
6	Фонд сигими, сўм	0,245	0,233	-0,012	95,1
7	Меҳнатни фонд билан таъминланиш даражаси, млн.сўм	213	204	-9	95,8
9	Корхоналар соф фойдаси, млн.сўм	423548	465437	41889	109,9
10	Маҳсулот ишлаб чиқариш таннари, млн.сўм	2307198	2480858	173660	107,5
11	Умумий рентабеллик даражаси, %	18,36	18,76	0,40	102,1

Таҳлиллардан кўринадики, ҳисобот йилида базис йилига нисбатан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда корхоналар соф фойдаси қарийб 109,9 фоизни, асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати 104,2 фоизни, ишлаб чиқариш билан банд бўлганларнинг ўртача йиллик сони 108,7 фоизни, меҳнат унумдорлиги 101,1 фоизни ташкил этган. Лекин маҳсулот таннари ҳам ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 7,5 фоизга ошган, фонд

қайтимида ўзгариш кузатилмаган, фонд сифими эса 95,1 фоизни, меҳнатни фонд билан таъминланиш даражаси эса 95,8 фоизни ташкил этган.

Диссертацияда Тошкент шаҳридаги 5 та бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи саноат корхоналаридаги меҳнат унумдорлиги динамикаси индекслар усулида таҳлил этилди (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Тошкент шаҳридаги саноат корхоналарида меҳнат унумдорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларнинг динамикаси

№	Корхоналар номи	2019 йил		2020 йил		Меҳнат унумдорлиги даражаси ва индивидуал индекси		
		Маҳсулот ҳажми, минг сўм $q_0p_0$	Ишловчиларнинг ўртача йиллик сони $\bar{T}_0$ киши	Маҳсулот ҳажми, минг сўм $q_1p_1$	Ишловчиларнинг ўртача йиллик сони $\bar{T}_1$ киши	$w_0 = \frac{q_0p_0}{T_0}$	$w_1 = \frac{q_1p_1}{T_1}$	$i_w = \bar{w}_1 : \bar{w}_0$
1.	"KARTOGRAFIYA" ДУК	346860,0	120	548337,0	128	2890,5	4283,9	1,482
2.	"O'ZBEKISTON NASHRIYOT-MATBA'A IJODIY UYI" ДУК	63383269,0	785	79155440,0	696	80743,0	113729,0	1,408
3.	"SHARQ" АЖ	26700000,0	683	43961640,0	656	39092,2	67014,6	1,714
4.	"O'QITUVCHI MATBA'A UYI" ДУК	18254151,3	265	43604455,0	285	68883,6	152998,1	2,22
5.	"G'ULOM NOMIDAGI NASHRIYOT-MATBA'A IJODIY UYI" ДУК	24055603,0	273	34320246,0	253	88115,7	135653,1	1,539
	<b>Жами</b>	132739883,3	2126	201590118,0	2018	62436,4	99895,9	1,599

Тадқиқотда саноат корхоналарида меҳнат унумдорлигини индивидуал ва умумий индекслари ҳисобланди. Меҳнат унумдорлиги умумий индекслари 3 хил турга ажратилиб, статистик таҳлил этилди. Яъни:

1) Меҳнат унумдорлигини ўзгарувчан таркибдаги умумий индекси. Ушбу индекс ҳисобот йилидаги саноат корхоналаридаги меҳнат унумдорлигини базис даврга нисбатан ўртача ўзгаришини ифодалайди. Яъни:

$$J_w^{\text{ўзг.тарк}} = \frac{\sum q_1p_1}{\sum \bar{T}_1} : \frac{\sum q_0p_0}{\sum \bar{T}_0} = \frac{201590118}{2018} : \frac{132739883,3}{2126} = 99895,99 : 62436,44 = 1,599 \text{ ёки } 159,9 \%$$

Тошкент шаҳридаги таҳлил қилинаётган саноат корхоналарида меҳнат унумдорлиги ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 59,9 фоизга ошиб, ушбу ўзгаришга 2 та омил таъсир кўрсатади. Яъни:

**1-омил:** алоҳида олинган саноат корхоналарида ҳисобот йилида базис йилига нисбатан меҳнат унумдорлигининг ўзгариши ( $i_w$ ).

**2-омил:** саноат корхоналарида иш билан банд бўлган ходимларнинг таркибий тузилмасида рўй берган ўзгаришлар (Т).

**1-омил** ҳисобига меҳнат унумдорлигининг доимий таркибли умумий индекси ( $J_w^{\text{доимий}}$ ) ҳисобланди. Яъни:

$$J_w^{\text{доимий}} = \frac{\sum i_w \cdot \bar{T}_1}{\sum T_1} = \frac{1,482 \cdot 128 + 1,408 \cdot 696 + 1,714 \cdot 656 + 2,22 \cdot 285 + 1,539 \cdot 253}{128 + 696 + 656 + 285 + 253} =$$

$$= \frac{189,7 + 979,9 + 1124,3 + 632,7 + 389,3}{2018} = \frac{3315,9}{2018} = 1,643 \text{ ёки } 164,3\%$$

**2-омил** ҳисобига меҳнат унумдорлигининг таркибий силжишли умумий индекси ( $J_w^{\text{таркибий силжиш}}$ ) ҳисобланди. Яъни:

$$J_w^{\text{таркибий силжиш}} = \frac{J_w^{\text{ўзгарувчан}}}{J_w^{\text{доимий}}} = \frac{1,599}{1,643} = 0,973 \text{ ёки } 97,3\%$$

Юқоридаги таҳлил этилаётган саноат корхоналарида асосан меҳнат унумдорлигининг юқори бўлиши 1-омил ҳисобига юз берган, 2-омил эса ижобий таъсир кўрсатмаган.

Тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси саноат тармоғи корхоналарида асосий воситалардан фойдаланиш ҳолати статистик таҳлил этилиб, илмий хулосалар чиқарилган(4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси саноат тармоғи корхоналарида асосий воситалардан фойдаланишнинг статистик таҳлили<sup>9</sup> (1-январь ҳолатига)

т/р	Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019	2020
1	Саноат маҳсулоти ҳажми, млрд. сўм (Q)	97598,2	111869,4	148816	235340,7	322535,8
2	Янги киритилган асосий воситалар қиймати, млрд. сўм ( $AB_{\text{янги}}$ )	5405,2	16133,2	9671,1	16552,9	13726,3
3	Ҳисобдан чиқарилган асосий воситалар қиймати, млрд. сўм ( $AB_{\text{туғатилган}}$ )	701,0	619,7	872,1	2955,0	2903,0
4	Йил охирига асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати, млрд. сўм ( $AB_i$ )	36243,8	50770,1	56739,8	79563,4	73709,0
5	Саноатда банд бўлганларнинг ўртача йиллик сони, минг киши ( $\bar{T}$ )	1768,7	1802,4	1826,8	1802,9	1821,5
6	Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати, млрд сўм ( $\overline{AB}$ )	61595	75821,9	86634,4	124399	124610,3
7	Фонд қайтими (самараси), сўм ( $F_{\text{қайтим}}$ )	1,584	1,475	1,717	1,8918	2,5883
8	Фонд сиғими (талабчанлиги), сўм ( $F_{\text{сиғим}}$ )	0,631	0,677	0,582	0,528	0,386
9	Меҳнатни фонд билан таъминлаш даражаси, млн.сўм ( $M_{\text{таъмин}}$ )	34,8	42,67	47,42	68,99	68,41
10	Асосий воситаларнинг янгиланиш коэффициенти ( $K_{\text{янг}}$ ), фоиз	8,7	21,2	11,2	13,3	11,01
11	Асосий воситаларнинг чиқиб кетиш коэффициенти ( $K_{\text{чик}}$ ), фоиз	1,1	0,8	1,0	2,1	2,3
12	Асосий воситаларнинг яроқлилик коэффициенти ( $K_{\text{яроқлилик}}$ ), фоиз	58,8	66,9	65,5	63,9	59,1
13	Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти ( $K_{\text{эскир}}$ ), фоиз	41,2	33,1	34,5	36,1	40,9

<sup>9</sup>Муаллиф томонидан ҳисобланган.

Таҳлиллардан кўринадики, республикамизда асосий воситалар (АВ)дан фойдаланиш самарадорлиги анча юқори Масалан, фонд қайтими 2015 йилда сезиларли даражада (1,584 сўм) юқори бўлган, 2016 йилда эса пасайиш даражасида, 2019 йилда эса яна 2,59 сўмни ташкил этган.

Асосий воситаларнинг янгиланиш коэффиценти 2019 йилда 11,01 фоизни, чиқиб кетиш коэффиценти эса 2,3 фоизни ташкил этди. Бугунги кунда фойдаланишда бўлган асосий воситаларнинг қарийб 59,1 фоизи яроқли, 40,9 фоизи эскирган.

Саноат тармоғида ялпи маҳсулотни қўшимча ўсиши (ёки камайиши)ни қуйидаги формула орқали ҳисобланади, яъни:

$$\Delta Q = Q_1 - Q_0 \quad (6)$$

бу ерда:  $\Delta Q$  - саноат маҳсулотининг мутлоқ қўшимча ўсиши (ёки камайиши);  $Q_1$  - ҳисобот йилидаги саноат маҳсулоти ҳажми;  $Q_0$  - базис йилидаги саноат маҳсулоти ҳажми.

Саноат маҳсулотининг мутлоқ қўшимча ўсиши ёки камайишига 2 та омил таъсир кўрсатади, яъни

**1-омил:** фонд қайтими (самараси)нинг ўзгариши:

$$\Delta Q_{\delta_{\text{қайтим}}} = (Q_{\delta_{\text{қайтим}1}} - Q_{\delta_{\text{қайтим}0}}) \cdot \overline{AB_1} \quad (7)$$

**2-омил:** асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматини ўзгариши:

